

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 16 (65991)
1997 йил, 22 февраль, шанба

Сотувда эркин
нархда

Юртбошимиз тақлифига биноан Питва Республикаси Президенти Алгирдас Бразаускас 19–21 февраль кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Бу ташриф Ўзбекистоннинг Европа бозорига чиқишга, Питваннинг эса Осиё давлатлари билан ҳамкорлигини мустақкамлашга ёрдам беради.

ФАРЗАНД
БЎЛАЙ
МУНОСИБ
Ватан, менинг
онамсан,
Меҳринг қалбим
йўрғаги.
Сен-ла ҳамнафас,
ҳамдам
Урар жажжи юрагим.
Еру кўк ҳам маҳлиё
Қалбдаги қуёшингга.
Қўнибди Хумо қуши,
Юртим, азиз бошингга.
Бахтли болалигим бор.
Деб айтурман
жаҳонга.
Фарзанд бўлай муносиб
Озод Ўзбекистонга.

Маъмура МАДРАХИМОВА.



Мен ҳамиша онамни соғиниб яшайман. Гоҳ пахтакорлар олдида, гоҳ чупонлар олдида, гоҳ мактабларда, учрашувларда буладилар. Яқинда бизнинг мактабимиз

Қонун ва биз

лади. Балки, улар каби шеърлар ёзолмасман. Менинг шеърларим жуда ҳам оддий. Аммо келажакда журналист бўлгим, одамларнинг ташвиш-қувонч-

налистларнинг меҳнати, азиятларининг барчаси ҳисобга олинган ҳолда кадрланиши ҳар қандай одамни ҳам севинтиради-да. Бунинг устига булажак касбимнинг келажак порлоқлигидан дилим равшан тортди. Мактабни тугатгач, албатта журналистика куллиётига кириб ўқийман. Журналист буладиган одам барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиши керак. Шунинг учун ҳам мен барча фанлардан аъло баҳога ўқияпман. Ҳали кўрасиз, келажакда халқимиз суйган журналистлардан бири бўлиб, она Ватанимнинг, онажонимнинг ишончларини оқлайман.

Садоқат УМАРОВА,
Самарқанд шаҳар, 29-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси.



ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН

ўқувчилари ҳам улар билан учрашув утказишди. Онажоним уларга ўз шеърларини ўқиб бердилар. Юракдан суҳбатлашдилар. Ўқувчилар анча вақтгача учрашувдан олган таассуротларини қувонч билан гапириб юришди. Мен бундан фахрландим. Ўзгаларнинг дард, қувончини тушуниш, уларнинг ташвишларига шерик бўлиш, кўнглидаги гапларни ёзиш қандай яхши экан. Мен ҳам онам Хосият Бобомуродова сингари шоира бўлгим ке-

ларига шерик бўлгим келади. Уйимизда бадиий китоблар жуда кўп. Адабиёт—менинг энг сеvimли фаним. Шу билан бирга республикаимизда чиқадиган газета ва журналларни қолдирмай ўқиб бораман. Яқинда «Халқ сузи» газетасида эълон қилинган «Журналистнинг касбига доир фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ўқиб чиқдим. Тушунмаган жойларимни онажонимдан сураб, билиб олдим ва қувониб кетдим. Нега қувонмай ахир? Жур-



ДИЛДОРАНИНГ «ДИЛХИРОЖ» И

Дугонамларникига меҳмонга бориб, кичик бир тантананинг устидан чиқдим. Ун яшар Дилдорахоннинг жажжи қўллари дугор пардалари устида бежирим ҳаракатлар, овози кўн-

гироқдай жаранларди. У ижро этган «Дилхирож» дилга ором бағишларди. Кўндан бери ашулар тинглаб бундай ҳордиқ чиқармагандим.

Тошкентдаги 179-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Дилдора Рузматова буш вақтларида мактабнинг мусиқа тугарагига қатнашаётган, фанларни ҳам аълога узлаштираётган экан.

Ёшлар орасида замонавий эстрада санъати оммаланиб бораётган ҳозирги пайтда Дилдорак халқона куйловчи истеъодлар ҳам борлиги мени жуда қувонтирди.

Ширин ЙЎЛДОШЕВА

ДЎСТ ДЎСТНИ ТОПАДИ

Салом «Тонг юлдузи»! Мен 7-«Б» синфда ўқийман. Ўқишларим ёмон эмас. Сенинг ҳар бир саҳифангни қизиқиш ва иштиёқ билан кузатиб бораман. Бу кунларда, ростки, анчагина хафа юрибман. Партадошим Гулбаҳор билан орамиз бузилиб қолди. Гулбаҳор менинг энг сеvimли дўстим. Арзимаган гап-суздан сунг иккимиздан ҳеч биримиз биринчи бўлиб гап бошлашни эплолмаяпмиз, чамамда. Гулбаҳор бошқа дўстларим орасида барибир дилимга яқин. Нима қилишга ҳам ҳайронман. Маслаҳат бергин деб,

эҳтиром билан Гулнора.


Гулноранинг қуючиб мактуб йўлаганлиги шундоқ куришиб турибди. Бироқ, дўсти билан гаплашмай қўйган барча синфдошларда ҳам шу тахлит изтироб галаёнлари кечадимики? Бир қарапди тез-тез учраб турадиган оддийгина воқеа. Аммо шу сингари кичик воқеликлар орғида эса Суз сураётган беғуборгина қалб дейдираб турибди. Буни ҳис этиб, жавоб урнида ибрат учун Пайгамбаримизнинг фикрларини эътиборингизга ҳавола этдик.

«Еш йигит суради:

— Ё, Расулulloҳ, дўстлик нимадур?

Пайгамбар жавоб берди:

— Чин дўст-экинзор дала. Сиз бу далага меҳр билан уруғ сепасиз ва ҳосил етишганда мамнулик билан йигиб оласиз. Дўстингиз — дастурхонингиз ва учоғингиз. Чунки сиз ташналингизда дўст қошига келасиз ва унинг ҳузурида ором оласиз».



Азиз болажонлар!

Йўларда транспорт воситалари қатнови йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари ҳам тез-тез содир бўлмоқда. Уларнинг аксарияти тенгдошларингизнинг йўл ҳаракати қоидаларини яхши билмасликлари, унга қатъий риоя қилмасликлари сабабли рўй бераётир. Натижада кўпгина болалар бир умрга майиб-мажруҳ, ногирон бўлиб қолишмоқда. Ана шундай бахтсиз ҳодисалар олдини олиш, болалар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилиш мақсадида автомобиль назорати хизматчиларининг қимматли маслаҳатларини узлуксиз бериб боришни лозим топдик. Унда йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишга оид қизиқарли тадбирлар, ўйин-мусобақалар ва ёш автомобиль назоратчилари фаолияти билан танишасиз. Шунингдек, қизиқарли хабарлар ўқиб, викторина саволларига жавоб излаб, тушунча ва билимингизни янада пухталайсиз. Сабқни Тошкент шаҳар автомобиль назорати бошқармаси назоратчиси, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Эргашев олиб борадилар. Мактаб атрофидаги кўчаларда ҳаракатланиш чизмаси эълон қилинмоқда.





Сиз ҳар куни эрта тонг мактабингизга, меҳрибон муаллимларингиз хузурига йўл оласиз. Табиийки, ҳар бирингиз уй эшигидан чиққач, маълум жойларда кучани кесиб утишингизга, чорраҳаларда светофор ёки автомобиль назорат-

ЙЎЛИНГИЗ БЕХАТАР БЎЛСИН

га қўймайсиз. Аниқроғи, йўл-транспорт ҳодисасига учрамайсиз. Бунинг учун ҳар бирингиз узингизнинг кундалик ҳаракат йўналишингизда энг қулай, тўғри ва текис кучалар танлашингиз зарур. Чорраҳалар, бурилишлар, пиёдалар ҳаракатланувчи йўлақларда шўшилмай, эҳтиёт бўлиб юришингиз керак. Пиёдалар утиш жойлари, светофор, йўл ости утиш жойлари, бошқа йўл белгилари ўрнатилган ерларни аниқ билиб олинг.

Кундалик ҳаракат йўналишини аниқлагач, уни оқ қорозга чиройли қилиб чизинг. Куча, йўл



белгилари, светофорларни қора ручкада, йўлдан утиш жойларини оқ чизик билан курсатинг. Светофор чироқларини уз рангига қараб яшил, қизил ва сариққа бўясангиз мақсадга мувофиқ бўлади. Автомо-

биль назоратчисини қўғирчоқ шаклида белгиласангиз бўлади. Транспорт воситаларини ўйинчоқлар қурнишида чизиб, уй ва мактаб биносини ҳам аниқ ёзиб қўйинг. «Ёш автомобиль назоратчилари» постини «ДАН» пости деб белгиланг. Шундай қилиб, сизнинг уй ва мактаб оралигидаги кундалик ҳаракат-йўналишингиз чизмаси тайёр бўлади. Бунини тайёрлаш, янада қулайроқ, яхшироқ тузишда синф раҳбарингиздан, автомобиль назорати ходимларидан маслаҳатлар суранг. Шундан сўнг, бу йўналиш-ҳаракат чизмасини кун-

далик дафтарингиз орасига жойлаб қўйинг.


Шуни ёдингизда тутигинки, кундалик йўналишда бирор ўзгариш юз берса, яъни кучадаги чорраҳа, бурилиш жойи, пиёдалар утиш жойи, йўлак, светофор ўрнатилган жой, автомобиль назоратчиси

ХУШХАБАР

Навоий туманидаги «Маданият» жамоа хўжалигида замонавий мактаб фойдаланишга топширилди. Мактабда ёшларнинг ҳар томонлама мукаммал билим олишлари, тарбияланишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу ғамхўрликдан ўқитувчилар, оналар ва айниқса болажонлар беҳад қувонишди. Шунингдек, жамоа хўжалиги марказида янги қишлоқ шифокорлик шаҳобчаси ҳам иш бошлади.

чисининг сигналларига риоя қилишингизга тўғри келади. Бунда йўл белгиларига қатъий амал қилишингиз, ер ости йўлақларидан утишингиз лозим бўлади.

Шундай қилсангиз, уз ҳаётингизни хавф ости-



УШБУ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ, СУРАТЛАРГА ШАРҲ ЙЎЛЛАНТ


1. Пиёдалар тротуарда қандай юриши керак?
2. Тротуарсиз йўлда-чи?
3. Аҳоли яшайдиган жойларда тротуарсиз бўлмаса-чи?
4. Аҳоли яшамайдиган жойлардаги тротуарсиз йўлда-чи?
5. Қандай йўл белгиси пиёдалар ҳаракатланувчи тротуарни билдиради?

БЕОЗОР ВА БЕЗАРАР


Муртак безларининг яллиғланиши, айниқса, болаларга хос хасталик. У сурункали тус олса, соғлиққа кони зарар. Ҳайрият, республика шифокорлик шаҳобчаси шифокорлар малакасини ошириш институтида қулоқ-томоқ касалликларини янги-ультратовуш усули билан даволаш йўлга қўйилди. Энг муҳими, бундай даволаш жуда беозор ва буткул безарар экан.

постлари ўзгариб турса, у ҳолда чизмани ҳам ўзгартириб туришингизга тўғри келади.

Шундай қилсангиз, йўлингиз беҳатар бўлади. Бу сонда кундалик ҳаракат-йўналиш чизмаси учун бир намуна тавсия этияпмиз.




**ДИҚҚАТ!
ДИҚҚАТ!**



**ШОШИЛИНГ,
НАВРЎЗГА**

26 КУН

ҚОЛДИ



Улкамизга гузал баҳор кириб келди. Атрофга назар солиб, ҳайрон қоласан киши. Баҳор! Бу— янгиланиш, уйғониш даври. Бу фаслда улкамизга баҳор даракчилари булмиш қалдирғоч, лайлаклар учиб келади. Айтишлари-ча, лайлак учиб келган улкага бахт нурлари ёғилар эмиш. Ҳақиқатан ҳам шундай. Баҳорда жуда кўплаб ажойиб байрамлар утказилади. Мен шулардан бири «Наврузи олам» ҳақида фикр юритмоқчиман.

Навруз сузи «Янги кун» деган маънони билдиради. Навруз байрамининг келиб чиқиш тарихи узоқ утмишга бориб тақалади. Олимларимизнинг айтишича, у 2300—2500 йиллик тарихга эга. Бу кун халқимизнинг диллари покланади. Бу байрам узбек халқининг ҳақиқий байрамидир. Бу улуг айёмда кўкатлардан турли хил миллий таомлар, масалан, кук сомса, кук чучваралар ва шу кабилар тайёрланади. Бу кун инсонлар бир-бирларига фақат яхшилик қиладилар. Айниқса, болалар уйларига меҳр-мурувват курсатилади. Болаларнинг гамгин кузларига шодлик улашилади. Бу кун беморларни бориб қўриш, жуда савобли ҳисобланади. Шу куни тугилган

**БАХТ НУРЛАРИ
ЁҒИЛГАН ФАСЛ**

янги фарзандни Навруза еки Навруз деб аташади. Энди суз Наврузнинг шоҳ таоми саналмиш — сумалак ҳақида. Навруз байрамини сумалаксиз тасаввур этиш қийин. Навруз байрами 2500 йиллик тарихга эга бўлса, сумалак ҳам шунчалик узоқ тарихга эга. Сумалакнинг кимёвий таркибини текшириб қўриб, унда минерал моддалар, дори-дармонлар куплиги тасдиқланган. Сумалак қон босимини тушириш хусусиятига эга. Ва юрак, қон томири ишини яхшилади. Хулоса қилиб шуни айтишим мумкинки, биз халқимиз урф-одатларини, байрамларини, яна бир қатор анъаналарини билишимиз даркор. Чунки биз юртимизнинг умид юлдузларимиз. Етишиб келаётган шоиру шоиралари, олиму фузалолари, туқувчи-ю ишчиларимиз.

*Юртимда кезар баҳор нафаси,
Эшитилар қушларнинг ажиб бир саси.
Уйғонар уйқудан гуллар барчаси,
Улуғ айём муборак, Наврўз муборак!*

*Атрофда янграйди куй-қўшиқ сеҳри
Заминга тарқалар гулларнинг атри.
Самода кўринар эркининг қўёши
Улуғ айём муборак, Наврўз муборак!*

**М. НАЗИРОВА,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани,
Байтқўрғон қишлоғи.**



Ўзбекистон телевидениеси пайшанба дастурининг «КАТТА ТАНАФФУС» кўрсатуви «Тонг юлдузи» газетаси билан ҳамкорликда ўтказаятган «Ўлкамда Наврўз» деб номланган ишолар танлови давом этаётир! Наврўзи олам ҳақидаги рангин ижод намуналарингизни бизга жўнатиш. Нуфузли ҳайъатимиз кўкламга интиқ қалбингиздан тўкилган ижод намуналарингизни эълон қилишда давом этади.

**ДОЖУШ
ДАЛАДУЖУШУСЕТ
СУЗСОЗ АТБЕДУШ**

Яқин Шарқ, Урта Осиё жумладан узбек халқининг қадимий ва узоқ тарихга эга бўлган байрами бу — Навруздир. Навруз қачон, қандай вужудга келган ва ким томонидан жорий қилинганлигини аниқ айтиш қийин бўлса-да, бу байрамни буюк ва дона халқимиз уйлаб топгани равшандир. Чунки Навруз замин ва коинот қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган. Чунончи, қуёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг вақт жиҳатдан баробар булиши, кундузнинг узая бошлаши, табиатнинг жонланиши — ҳаммаси Наврузга хос. Навруз эски қуёш календари ҳисобида фарвардин ойининг бошланишига (ҳозирги 22 мартга) тўғри келади. Тарихчилар мугулларнинг Урта Осиё халқлари анъаналари, жумладан, Наврузни ҳам тақиқлашга ҳаракат қилганликларини ёзадилар. Бироқ Наврузни маҳв этиш ҳеч

кимнинг қулидан келмади. Маҳалламизда ҳам Наврузни нишонлашнинг узига хос тартиб-қоидалари мавжуд. Ҳовли-жойларни тозалаб, кучат ва гуллар экиб, ота-онасини, ёру дустларини йўқлаб, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби одатлар Навруз байрамининг таркибий қисми ҳисобланади. Навруз бизда, одатда бозорга яқин жойларда, катта майдонларда, маҳалла чеккаларидаги сайлгоҳларда уюштирилади. Байрамимизнинг биринчи кунни қуйидагича булади: эрталаб дорбозлар ва полвонларнинг чиқишлари, кун уртасида — мусиқачилар, ҳофизлар ва бошқа санъаткорларнинг ижролари, кечки пайтда эса сайллар, халқ уйинлари, мусобақалар, базмлар уюштирилади. Навруз куни катта бозорларимизда савдо-сотиқлар ташкил қилинади. Ва энг ширин таомлар тайёрланади, палов, шўрва, кадоб каби



овқатлардан ташқари, дулма, ялпиз, кук пиёз ва ҳар хил кўкатлар солинган таомлар пиширилади. Навруз таомлари орасида сумалак алоҳида урин тугади.

Масхарабоз ва қизиқчилар томонидан ижро этиладиган узбек миллий уйинлари минглаб кишиларга мулжалланган катта майдонларда утказилади. Баҳор байрами— Наврузни бошқа маҳаллаларга қараганда мазмунли ва қизиқарли утказишга доим ҳаракат қиламиз.

**Фарҳод ХОЛБЕКОВ,
Сирдарё вилояти,
Мирзаобод тумани,
Наврўз қўрғони.**

— Пиш, пиш, келақол жонивор.

— Ола, келақол, — опоқ ойингиз унга исм қўйиб чақира бошлади.

Мен ялт этиб кампиримга қарадим. Буни қаранг, қандай яхши лақаб — Ола! Мушуги бор узбек хонадонларида одатда мош деган ном қўйишади. Бизники Ола, йўқ, Олатой булади. Аввалига менинг кўнглим учун опоқойингизда ҳам унга нисбатан ачиниш пайдо бўлганди чамамда.

— Олатой, келақол, чучима, — дедим. Топган номимдан узим хурсанд бўлиб кетдим. Қандай чиройли, қандай жарангдор ла-

нинг бошқа иложи йўқ.

Биз эндиликда бу ишга — Олатойни томдан тушириб олишга астойдил киришгандик. Икковлашиб нарвонни олиб келдик. Лекин уни кутаришга келганда... Роса уриндик, қанча инқиллаб-синқилламайлик нарвонни даст кутариб, чордоққа қўйишнинг уддасидан чиқолмадик.

— Ҳа, чол, қарибмиз, мана шунга ҳам қурбимиз етмади. Оҳ, уша чопиб, елиб-югуриб юрган кезларимиз, қани энди уша гайрат, — опоқ ойингиз афеусланиб сузларди. — Ҳой, менга

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

**ОЛАТОЙ ҲАҚИДА
ҚИССА**

(Бошланиши ўтган сонда)

қаб, истайсизми-йўқми, эркалаш оҳанги ҳам пайдо бўлади.

Шундай қилиб десангиз чолу кампир биримиз олиб, биримиз қўйиб галма-галдан Олатойлаб қолдик. Буни қаранг, мушук томдан чордоққа тушди, уша нарвон қўйиладиган жойга келиб, узини курсатди. Яна уша ялиниш оҳангида миев-лаб, гоҳ унг, гоҳ эса чап юзини эгиб мулойим ҳаракат қиларди. Овози, вой унинг овозини эшитсангиз шу қадар майин, шу қадар ёқимлики... Ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юборади. Чамаси эндиликда у биздан у қадар чўчимасди. Менга шундай туюлди. Бизнинг хатти-ҳаракатларимизда, овозимиз оҳангида ёмон ният йўқлигини сезди шекилли.

— Нарвонни қуямиз, нарвонни, — дедим опоқ ойингизга.

— Уни чордоқдан тушириш-

қаранг, чол, деб чақирсам, баъзан кўнглингиз ранжигандек булади. «Ким чол?» — деб пути-са ҳам қиласиз. Энди ишонгандирсиз, кексайиб бораётганимизга.

Яширмайман, ҳозирги ҳолатимиз, икки кишилашиб нарвонни чордоққа қўя олганимиз таъсир қилганда менга. Ҳаселга берилиб кетдим. Ахир яқин-яқинларда ҳам уша нарвонни бир узим, бир узим даст кутариб ҳали у томга, ҳали бу томга қуярдим. Энди эса... Энди-чи? Энди икки кишилашиб ҳам бунинг уддасидан чиқолмаяпмиз. Ҳаёт шундай экан да. Эй, афеус. Бу умр деганлари оқар дарё экан.

— Эй, нималарнинг ҳаселига берилиб кетдингиз, — опоқ ойингизни овозидан узимга келдим. — Худого шукур қилайлик, бизнинг ешга етганларам бор,



миздан бири келиб қолади. Ушанда мушқулумиз осон булади», деди.

Бушашиброқ яна айвонга қайтдим. Олатой (эндиликда биз уни шу исм билан атай бошладик) ҳамон миев-лаб қуярди. Ҳар сафар унинг овози қулогимга чалинганда алланечук бўлиб кетардим. Чўгдек ениб турган кузлари, ёқимтой боқинлари ҳаселдан нари кетмасди. Шу пайт оёқ товушлари қулогимга чалинди. Ровондан қарасам невараларим Зафархон билан Жамшидхонлар келинганти. Қувониб кетиб, уларга пешвоз чиқдим.

(Давом бора)



МИНГ БОР ЭШИТГАНДАН КЎРА...

Гўзаллик оламида

мурийзодалар урта-сида тож-тахт учун бўлган курашлар ўз аксини топган.

Спектакль буюк бобомиз сиймосини пок туйғуларга бой қалб эгаси сифатида тасаввур қилишга тўла имкон беради. Айни чоқда Соҳибқироннинг зиддиятларга тўла тақдирдан ҳам воқиф этади.

— Болажонларимизни театрга жалб қилиш жуда муҳим, дейди театрнинг ада-

Тошкентда республика Маданият ишлари вазирлиги ва Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ташкил этган Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз 97» театр санъати фестивали бўлиб ўтди. Унда турли вилоят театрлари санъаткор-

лари энг яхши спектакллари билан иштирок этишди.

Жумладан, Жиззах вилояти Юнус Ражабий номидаги мусиқали драма ва комедия театри Одил Ёқубов асари асосида саҳналаштирилган «Авподларга васият» спектаклини намойиш қилди.

Мазкур драма икки парда, тўрт кўринишдан иборат бўлиб, унда Амир Темур ҳаётига оид лавҳалар жонлантирилган. Мелодий 1405 йилнинг февралда Утрорда юз берган воқеалар, Соҳибқироннинг вапиаҳд тайинлаши, те-



бий бўлим мудирини Муяссар опа Саидова. — Чунки улар бу масканда юриш-туриш, муомалаю маданиятдан сабоқ оладилар. Минг бор эшитгандан бир кўрган афзал, дейишади. Улар жонли образлар орқали турли-туман саргузаштларга дуч келдилар, хулоса чиқарадилар.

Жамоамиз бола-ларга ҳам атаб бир қанча асарлар саҳналаштирган. Айниқса,

Хусан Убайдуллонинг «Ёвуз малика», Туроб Мақсуднинг «Совуқ шамол абадий эсмайди» каби тарихий драмаларини алоҳида эспатиш позим.

Театр — бу ҳаёт. Ҳаётни билиш, кўриш, ундан тўғри хулоса чиқариш каттапар каби болапар учун ҳам жуда муҳимдир.

Феруза ОДИЛОВА.

СУРАТДА: «Авподларга васият» спектаклидан кўринишлар.

Сураткаш: Содик МАҲКАМОВ.

Боболар қўшиғи

НАБИРАМ

Ўзи қувноқ набирам,
Кўзи мунчоқ набирам.
Тойчоқ мисол сакрайсан,
Шўх овунчоқ набирам.
Ширин-шакар тилинг бор,
Нурли ойдин йўлинг бор.
Ишдан ҳориб келганда,
Хуш қилиқларинг бисёр.
Ўзи қувноқ набирам,
Кўзи мунчоқ набирам.
Тўйчи ТЎЛИПОВ.



Уша кунни яхши эслайман. Томда мушукнинг бот-бот миёвлани эшитилди. Аслида-ку бундан уч кун олдин ҳам унинг овози қулоққа чалинганди. Ушанда бунга унчалик эътибор қилмагандик. Ҳа, энди томдан-томга утиб юрадиган дайдилардан булса керакда, деган ҳаёлга боргандим. Эртасига бу воқеа яна қайтарилди. Бугун эса овози анча аянчли эшитиларди. Очиги, раҳмим келди. Ҳовлига тушдим. «Пиш-пиш» лаб чакирдим. Узини бир курсатгандек булди-ю, яна панага ўтди. Чамаси орадан икки соатлар вақт ўтган эди. Яна унинг аянчли овози эшитилди. Бу сафар опоқингиз ҳам мен билан ҳовлига тушди. Имкон борича овозимизни мулоим қилиб, галма-галдан чақирдик. Бундай деяётганимнинг боиси шундаки, ҳайвонот оламида мушукдек мулоим жо-

ОЛАТОЙ ҲАҚИДА КИССА

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

нивор кам булади, у қуполикни сира-сира ёқтирмайди, деган гапни эшитгандим.

Куп уриндик. Ниҳоят узини курсатди. Унга кузим тушди-ю, борлигимда бир илиқлик пайдо булди. Териси йул-йул, оқ-қора, кузлари мовий. У ҳар миёвланда юзини тунукага тегар-тегмас суркаб кўяётганди. Тикилиб қарадим. Кузларида ялиниш, утиниб ялиниш аломатларини кўргандек булдим. Эҳтимол уша пайтда менга шундай туюлгандир. Овозида ҳам шу ҳолат бор эди. Сезиб турибман, аслида биздан бегонасираб чуқийган булса ҳам, лекин айни пайтда уша ялиниб ёлвориш ҳолати кузларидан, ҳатти-ҳаракатларидан шундоқ-

қина билиниб турарди. Яна анча уриндик. Биз пастда, у эса баланд томда. Аҳвол узгармади.

— Қуйинг энди, тушгиси йуқ, чучияпти, керак булса йулини топиб, узи тушар, — деди опоқойингиз.

Ҳа, дедиму айвонга кириб утирдим. Лекин, очигини айтсам, унинг ёлвориш ҳолати, қандайдир ута майин ҳаракатлари, боқишлари кузимдан нари кетмасди.

Урнимдан тўриб, яна ҳовлига тушдим. Қасрдан-томга чиққан экан, деб атрофга алаң-жалаң назар ташладим. Томимиз анча баланд. Унга нарвон етмайди. Чордоққа рузгордаги ортиқча буюмларни чиқариб қуйгучи эдик. Нар-

вонни далон томондан чордоққа қуяр эдик. Булди-булди, топдим. У шу нарвондан чордоққа чиққан, ундан эса томга. Буни қаранг, худди уч кун олдин қўшимиз нарвонни сураб олганди. Қайтариб келгач, жойига қуймай, ҳовлининг бир четига ётқизиб, деворга суяб қуйганди. Шуну жонивор томда қолиб кетган.

— Оббо, жабр булибди-ку унга, демак, уч кундан бери ҳеч нарса тамадди қилмаган, роса ташна ҳам булгандир.

— Нималар дедингиз, кимни айтаяпсиз? — суради опоқойингиз.

— Мушукни-да, — дедим.

— Оббо, энди шу қолувди сизга. Мушук узи шундай ҳайвон — томларда юради, насибасини узи топаверади. Унинг ташвишини қилаверманг, узи биледи нима қилишни.

— Нималар деяпсан, томи-


миз баландлиги камида беш-олти метр булса, бошқа томлар билан туташ жойи булмаса. Шундай булгач, қасрдан тушади, қандай қилиб бошқаларга боради, насибасини қасрдан топади?

Опоқойингиз уйланиб қолди, сунг деди:

— Ҳа-я, тўғри айтаяпсиз.

Булмади. Яна икковимиз ҳовлига тушдик. Бу сафар уша чордоққа нарвон қуйилдиган томондан чақира бошладик.

(Давоми бор)



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КЎМИТАСИ

Бош

муҳаррир
Умида

АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:

Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г-086. 9381 нуسخада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босилиш ташвириш вақти 19.00 Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтин тартиби № 000137
• Мавзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25

